

Музаффар НАИМОВ



СУРХОНДАРЁ ИЖОДКОРЛАРИ

II-ҚИСМ



Музаффар Наимов

СУРХОНДАРЁ

иждокорлари

(услубий кўлланма)

II-қисм

Тошкент -2014
«Тафаккур» нашриёти

КБК 81.2

Ўзб Н27

Сурхондарё ижодкорлари услубий қўлланмасининг II-қисмида Сурхон воҳасида эмас, балки Тошкент шаҳрида ижодий фаолият юритаётган юртдошларимизнинг ҳам ҳаёти, ижоди, улар томонидан яратилган қўшиқлар кенг ўрин олган. Тўплам ўрта мактаб, мусиқа мактаблари, ўрта – махсус ва олий ўқув юртлири ўқитувчилари, бадний жамоалар, хонандалар ва мусиқа санъати билан қизиқувчилар оммасига мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир:

Рустамбек АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, санъатшунослик фаилари
доктори, профессор.

Такризчилар:

Абдураим Турсунов,
Термиз давлат университети доценти,

Ориф Азизов,
Термиз давлат университети мусиқа таълими кафедраси катта ўқитувчиси,

Шавкат Пардаев,
Термиз санъат коллежи ўқитувчиси.

Ушбу услубий қўлланма Термиз давлат университети илмий кенгашининг 2013 йил 31 январдаги 6-сонли Қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-024-063-6

© “Тафаккур” нашриёти
© М.Наимов, 2014

Махмуд НОМОЗОВ

Махмуд Алматович Номозов 1960 йилнинг 8 майида Сурхондарё вилояти, Узун тумани Файзово кишлоғида таваллуд топган. Ўрта мактабни битиргач, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг (ҳозирги Педагогика университети) Мусика ва ашула факультетига ўқишга кирди. 1981 йили институтни ушбу факультет мутахассислиги билан битирди. Айни вақтда у «Райҳон» ансамблида ҳам ишлади ва тез орада ўша ансамблга раҳбар этиб тайинланди.



У меҳнат фаолиятини ёш авлодга мусиқий таълим беришдан бошлади. Унинг раҳбарлигидаги мактаб ўқувчиларидан тузилган бадний-хаваскорлик тўгараги 1983, 1984, 1985 йиллари «Санъат байрамлари»да республика миқёсида совринли ўринларни қўлга киритди. У раҳбарлик қилган «Райҳон» хаваскорлик ансамбли эса бир неча йил ичида «Халқ ансамбли» деган юксак номга мушарраф бўлди.

Махмуд Номозовнинг профессионал кўшиқчилик ва бастакорлик фаолияти ҳақида тўхталганда, икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш керак. Биринчиси, у Ўзбекистон кўшиқчилик санъатига жанубий ҳудудлар – Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг ўзига хос мусиқий меросини олиб кирди. Махмуд Номозов бу йўлда биринчилардан бўлиб иш бошлаган ва уни эстрадамизда янги йўналиш даражасига кўтара олган санъаткорлардан биридир. Иккинчиси, у миллий меросимизни бугунги ёш авлодга яқин бўлган эстрада йўналишида профессионал даражада қайта ишлаш тамойилини бошлаб берган санъаткорлардан биридир.

Замонавий эстрада кўшиқчилигида юз бераётган барча янгиликлар унинг кўшиқларида миллий сайқал топиб, ўзбекча жозоба билан жаранглайди. У замонавий ўзбек шоирлари билан яқин ҳамкорликда ишлади, кўшиқларига бадний баркамол, савияси юксак шеърини матилардан фойдаланди. Ёш авлод дилида ўз Ватани ва унинг бой маънавий-маърифий меросидан гурурланиш ҳисларини уйғотишга интилди.

Махмуд Номозов 1991 йили Тошкентда ўтказилган Ботир Зокиров номидаги эстрада кўшиқлари танловида «Бахшиёна» кўшиғи билан иккинчи ўринга сазовор бўлди. Ушбу кўшиқ ўзбек эстрада санъатида фольклор меросидан кенг фойдаланиш анъанасини бошлаб берди. Тез орада пойтахтга кўчиб келган ҳофиз кўшиқчилик ва бастакорлик фаолияти билан профессионал даражада шуғуллана бошлади.

У замонавий ўзбек кўшиқчилигида янги йўналишнинг асосчиси экани кенг жамоатчилик ва санъат аҳли томонидан тан олинган. Ҳукуматимиз унинг бастакорлик ва кўшиқчилик фаолиятидаги ютуқларини муносиб баҳолаб, 2000 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони билан тақдирлади.

Маҳмуд Номозов мусиқа санъатининг энг муносиб намуналарини тарғиб-ташвиқ қилиш борасида ҳам кенг қамровли фаолият олиб бормоқда.

«YOSHLAR» телерадиоканалининг мусиқа муҳаррири сифатида бадний юксак савияли кўшиқларнинг оммалашши йўлида муносиб хизмат кўрсатмоқда. Ўзбекистон Президенти Фармони билан тузилган «Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши», «Нихол» мукофоти бўйича давлат комиссияси, «YOSHLAR» телерадиоканали бадний кенгашларининг аъзосидир.

Унинг раҳбарлигидаги «Сурхон» гуруҳи мамлакатимиз бўйича кенг пишонланадиган Мустақиллик ва «Наврўз» байрамлари, давлат миқёсида ўтказиладиган бадний тадбирларнинг доимий иштирокчиси. 2002 ва 2007 йиллари Ҳиндистонда, 2003 йили Швейцария ва 2004 йили Германияда, 2005, 2006 йиллари Москвада ва 2007 йили Туркияда ўтказган концертларида мухлисларни ўзбек санъатига ошно қила олди. 2008 ва 2009 йиллари Москвада «Форум холл» Фонд Форум томонидан ўтказилган «Ўзбекистон кунлари» тадбирида иштирок этиб қайтишди. 2009 йили Жанубий Кореяда ўтказган «Ўзбекистон ва Жанубий Корея маданияти кунлари» концертларида мухлисларни ўзбек санъатидан баҳраманд этди.

2005 йил гуруҳ «Тарона» тақдимотида «Йилнинг энг яхши миллий эстрада гуруҳи» номинациясини қўлга киритди.

2008 йил 25 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонга измо чекди.

Ушбу хужжатга кўра, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси Номозов Маҳмуд Алматовичга «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» фахрий унвони берилди.

Мазкур унвон «Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун» берилди.

Маҳмуд Номозовнинг репертуарида ўнлаб тилдаги кўшиқлар бор. У 1999 йилдан буён «Туркистон» ва «Истиклол» санъат саройларида ҳар йили ўзининг ҳисобот концертларини ўтказиб келмоқда. Унинг ижросидаги юзлаб кўшиқлар аудио, видео, CD ва DVD дискларида юз минглаб нусхада тарқалган.

Оилали, тўрт фарзанднинг отаси, касбдошлари орасида ҳурмати баланд.

Ўргача



о - о - ху - вох.

Хей!

Но - ри бет - нинг ка - ма - ри,

хей о - ху - вох. ху - рул - лай - ди ша - мо - ли,

о - ху - вох, о - ху - вох Но - ри бет - нинг ка - ма - ри.

ху рул - лай - ди ша - мо - ли, Ол - тн ой кў - лим - да гур - ли - я

хей, хей,

ёр - ги - ным - нинг рў - мо - ли.

о - ху - вох, о - ху - вох, о - ху - вох хей, о - ху - вох.

о - ху - вох, о - ху - вох, о - ху - вох хей, о - ху - вох.

о - ху - вох, о - ху - вох, о - ху - вох хей, о - ху - вох.

o - xy - box, o - xy - box, o - xy - box xrit. o - xy - box.

O - o - xy box.

o - o - xy - box.

O - o - xy box.

o - o - xy - box.

o - o - xy - box.

o - o - xy - box.

o - o - xy - box. o - o - xy - box.

Оху-воҳ, оху-воҳ,
Оху-воҳ, оху-воҳ, Хей!

Чикдим тоғлар бошига, хей оху-воҳ,
Тўйдим ширвоз гўштига, оху-воҳ, оху-воҳ.

Чикдим тоғлар бошига,
Тўйдим ширвоз гўштига.
Гуллар териб келгандим, хей
Ёргинамнинг қошига.

Нақорат

Оху-воҳ, оху-воҳ, оху-воҳ, хей оху-воҳ,
Оху-воҳ, оху-воҳ, оху-воҳ, хей оху-воҳ,

Кўй хайдадим сой билан,
Кўлимдаги най билан.
Бир армоним бор эди,
Ўйполмадим сиз билан.

Нақорат

Оху-воҳ, оху-воҳ, оху-воҳ, хей оху-воҳ,
Оху-воҳ, оху-воҳ, оху-воҳ, хей оху-воҳ,

Нори бетнинг камари, хей оху-воҳ,
Хуруллайди шамоли, оху-воҳ, оху-воҳ.

Нори бетнинг камари,
Хуруллайди шамоли.
Олти ой кўлимда турди,
Ёргинамнинг рўмоли.

Нақорат

Оху-воҳ, оху-воҳ, оху-воҳ, хей оху-воҳ,
Оху-воҳ, оху-воҳ, оху-воҳ, хей оху-воҳ,

а - ка - жо-нинг-ни куй-ди-риб, и - на ўй - на гул-на - ри.

Хай е - рей.

вой е - рей.

вой е - рей.

вой е - рей.

вой е - рей.

вой е - рей.

Бо-нинг-да дав-ро-нинг е - ла - ди, ёр де-сам ша-мо-нинг ке - ла - ди.

Бо-нинг-да дав-ро-нинг е - ла - ди, ёр де-сам ша-мо-нинг ке - ла - ди.

Бо-нинг-да дав-ро-нинг е - ла - ди, ёр де-сам ша-мо-нинг ке - ла - ди.

Тоғ-лар-дан бу ба-ланд бо- шки - ни, со-ғин-чим қор-лар-га бе - ла - ди.

Тоғ-лар-дан бу ба-ланд бо шки - ни, со-ғин-чим қор-лар-га бе - ла - ди.

Бу дун - ё гур-гун-ча ёр ле-сам, сен би-лан бу дун - ё бор ле-сам

Бир бок - санг бу дун - ё бе-хит-дир, бок-ма-санг бо-ши-ма дор ле-сам.

Ўй - на ўй - на гул-па-ри, я - на ўй - на гул-па-ри.

а - ка - жо-нинг-ни куй-ди-риб, я - на ўй - на гул-па-ри.

Хай ё - рей,

вой ё - рей.

Хай ё - рей.

вой ё - рей.

Хай ё - рей,

вой ё - рей.

Ҳай ёрей, вой ёрей.
Сочинг созима тормиди,
Қоматинг қатлима дормиди.
Бирам қайрилиб боқмайсан,
Менга бу азоб ҳам бормиди.

Нақорат

Ўйна, ўйна гулпари,
Яна ўйна гулпари.
Акажонингни куйдириб,
Яна ўйна гулпари.
Ҳай ёрей, вой ёрей.

Кечаси ухлашга бормаган,
Осмонда оймиди порлаган.
Кўнглингни йўлидан қолмагин,
Ўзимман кўнглингни қорлаган.

Нақорат

Ўйна, ўйна гулпари,
Яна ўйна гулпари.
Акажонингни куйдириб,
Яна ўйна гулпари.
Ҳай ёрей, вой ёрей.

Бошингда давронинг елади,
Ёр десам шамоли келади.
Тоғлардан бу баланд бошимни,
Соғинчим қорларга белади.

Бу дунё тургунча ёр десам,
Сен билан бу дунё бор десам.
Бир боқсанг бу дунё беҳиштдир,
Бокмасанг бошима дор десам.

Нақорат

Ўйна, ўйна гулпари,
Яна ўйна гулпари.
Акажонингни куйдириб,
Яна ўйна гулпари.
Ҳай ёрей, вой ёрей.

Ҳосила РАҲИМОВА

Ҳосила Иброҳимовна Раҳимова 1975 йилнинг 22 апрелида Сурхондарё вилояти, Денов тумани И.Тўраев жамоа хўжалиги, Илонсой маҳалласида шифокорлар оиласида таваллуд топди. У 1982–1992 йилларда Денов туманидаги Х. Эшмуродова номи 15–ўрта таълим мактабида таҳсил олган. Мактабда ўқиб юрган кезларида, яъни 1986 – 1990 йилларда Деновдаги Ю.Ражабий номи мусиқа мактабида рубоб синфини ҳам тамомлади.



1990–1996 йилларда Деновдаги “Навнихол” ансамбли ва туман маданият уйида яққал хонанда сифатида фаолият кўрсатди. 1998–2001 йилларида Тошкент давлат маданият олийгоҳининг “Халқ мусикаси” бўлимини тамомлади. Ҳ.Раҳимова санъатдаги фаолияти давомида шоирлардан У.Азим, М.Тоир, Ҳ.Шодмон, А.Карим, Р.Ҳотамова, Т.Мухаммад, Ф.Афруз, Мунаввара, С.Тўйчиева, бастакорлардан Р.Махмудов, О.Сафаров, Д.Маткаримов, Х.Меиглиев билан ижодий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Сурхондарё бахшичилик санъатини аёл овозда элга танитаётган Ҳ.Раҳимова ўз фаолияти давомида ажойиб кўшиқлари билан кўпгина фестивал ва кўрик танловларда иштирок этган ва муносиб тақдирланган. 1998 йилда “Ўзбекистон–Ватаним маним” кўшиқ байрамида 3- даражали диплом, 2004 йил Шимолий Кореянинг Пхенян шаҳрида ўтказилган “Апрель баҳори” номи бутун жаҳон миллий фольклор фестивалида “Олтин Арфа” мукофоти соҳибаси, 2004 йил август ойида Германиянинг Бонн штатида ўтказилган “Фулере” фестивалида фольклор йўналишида мутлоқ галиб бўлди. 2008 йил Малайзияда бўлиб ўтган “Нусантара” фестивалида “Узун сочли хоним” соврини билан тақдирланди. Шунингдек, Ҳосила Раҳимова Республикамизда ҳар икки йилда ўтказиладиган “Бойсун баҳори” фольклор фестивалида иштирок этиб халқ олқишларига сазовор бўлиб келмоқда. Унинг миллий этнографик, фольклор ва эстрада йўналишидаги дилтортар кўшиқларини элимиз севиб тинглайди. Ҳосила Раҳимова ўзининг гўзал кўшиқлари билан юртдошларимиз дилидан чуқур жой эгаллаган санъаткорлардандир. У ўз мухлисларини хушнуд этиш учун кўплаб концерт дастурларини ҳавола этган пешқадам санъаткор ҳисобланади.

2003 йил 24–25 май кунлари “Туркистон” санъат саройида ўтказилган “Сиздан кечиб бўлмайди” илк яққал концерт дастури, 2004 йил 26–27 июн кунлари “Истиклол” санъат саройида бўлиб ўтган “Соғиндим” номи концерт дастури, 2006 йил 4–5 май кунлари “Истиклол” санъат саройида бўлиб ўтган “Мен тоғнинг кизи” номи концерт дастури, 2008 йил 5–6 март кунлари “Истиклол” санъат саройида бўлиб ўтган “Юртимнинг баҳори сенмисан” номи концерт дастури, 2010 йил 3–4–5 март кунлари “Истиклол” санъат саройида бўлиб ўтган “Ҳар ўланда юрт мадҳи” номи концерт



дастурини намоён эти. 2003 йил “Шухрат” медали, 2008 йил Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонлари билан тақдирланган.

Ҳосила Раҳимова нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа турли давлатларда гастрол сафарларида бўлиб, турли миллатлар орасидан ҳам мухлислар орттириб қайтган ўзбек санъати вакиласи ҳисобланади. У Шимолий Корея, Германия, Туркменистон, Туркия, Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон давлатларида ҳам концерт дастурларини ҳавола этган. 2005 йилда Тожикистон Республикасининг миллий байрамларидан бири бўлган “Сулҳ” кунинда Душанбе шаҳридаги хашаматли “Қоҳи Борбад» саройида 26-27 июн кунлари бўлиб ўтган концерт дастури ва Истанбулдаги Зайтунбурун шаҳарчасида ўтказилган концертлар шулар жумласидандир.

Ҳосила Раҳимова санъатдаги ижодий фаолияти давомида “МУВАД” видео студияси билан ҳамкорликда ишлаб, бир нечта видео, аудио, СД, ВСД форматдаги кассета ва дисклар чиқарган. “Сиздан кечиб бўлмайди” (2003 йил), “Согиндим” (2004 йил), “Мен тоғнинг қизи” (2006 йил) номли СД, ВСД, видео, аудио кассеталари (2007 йил) барча ўтказган концерт дастурларида ижро этилган 53 та кўшиқ MP3 тўплам тарзда жамланган ижод намуналари мухлислар ҳукмига ҳавола қилинган.

Ҳосила Раҳимова томонидан қуйланаётган “Бийгул”, “Байбичча”, “Мен тоғнинг қизи”, “Рашк”, “Кўнглим” ва бошқа кўплаб бетакрор кўшиқлар узок йиллар давомида халқимизнинг яхши кунлари, тўй – тантаналарда қуйланиб, инсонлар қалбида яшайди ва ардоқланади.


Шўх




Тўқ-соник-ки хов-ли и-ла тут-ган ош-ён Сур-хо-ним.



Пол-вон-ла-ру бах-ши-лар-га ма-кон бўл-ган Сур-хо-ним.



О-рим де-я, ё-рим де-я мар-думай-дон Сур-хо-ним, Ла-во-ми-шу, Бар-ши-о-лу



миш-гу дос-тон Сур-хо-ним. Бо-бо-тоғ-дай гу-ру-ри бор, Тер-ми-зий-лар ду-о-ли.



Би-ри ий-мош би-ри ҳа-ким пи-ру сул-тон Сур-хо-ним.



Я-ли, я-ли о-мо-ним меҳ-рим сен-га Сур-хо-ним.



Я-ли, я-ли о-мо-ним куй-дай се-ши Сур-хо-ним.





Аввал ба-ҳор ки-риб ке-лар ке-лин-чак-дек Сур-хон-га, Тўй-да ку-раш у-лоқ бе-рар,



чо-пар е-лар хар ён-га. Ме-з-бон бў-либ бо-ринг тў-кар меҳ-мон-га жон бер-гудай



бит-га чо-пон, бит-га бел-боғ, бит-га э-гар Сур-хо-ним.



Я - ли, я - ли о - мо - ним меҳ-рим сен - га Сур-хо - ним.



Я - ли, я - ли о - мо - ним куй-лай се - ни Сур-хо - ним.

Тўқсон икки ховли ила тутган ошён Сурхоним,
Полвонлару бахшиларга макон бўлган Сурхоним.
Орим дея, ёрим дея марду майдон Сурхоним,
Алпомишу Барчинойи мангу дoston Сурхоним.
Боботогдай гурури бор, Термизийлар дуода,
Бири имом, бири ҳаким пиру султон Сурхоним.

Нақорат

Яли-яли омоним, меҳрим сенга Сурхоним,
Яли-яли омоним, куйлай сени Сурхоним,

Аввал баҳор кириб келар келинчакдай Сурхонга,
Тўйда кураш, улоқ берар чопар елар хар ёнга.
Ме-з-бон бўлиб борин тўкиб меҳмонга жон бергудай,
Битта чопон, битта белбоғ, битта эгар Сурхоним.

Нақорат

Яли-яли омоним, меҳрим сенга Сурхоним,
Яли-яли омоним, куйлай сени Сурхоним,

Тоштемур ТОИРОВ (1947-2004)

Тоиров Тоштемур Тогаймуродович 1947 йилнинг 7 июлида Сурхондарё вилоятининг Денов туманида тугилган. У ёшлигидан отаси Тогаймурод бахшидан халқ достонлари, халқ кўшиқларини ўрганган.

Муқимий номидаги ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларида хаваскорлик тўғарақларига қатнашиб, устози Абдуфаттоҳ акадан рубоб чалиш сирларини ва кўшиқ куйлашни ўрганган.

У 1967 йилда Тошкент давлат педагогика институтининг мусиқа-педагогика факультетига ўқишга кирди. Ўқиб юрган пайтларида Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Нормурод Нарзуллаев, Шафоат Раҳматуллаев каби етук шоирларимизнинг шеърларига куй басталаб, ижро этарди. Т.Тоиров бастакорлар Муҳаммаджон Мирзаев ва Шавкат Мирзаевлар билан ижодий ҳамкорликда бўлиб, кўплаб кўшиқлар яратди. 1971 йилда олийгоҳни тугатиб, 1974 йилгача Сарносиё туманидаги А.Мирзаев номидаги ўрта мактабда мусиқа ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1975-1979 йилларда Маннон Уйгур номидаги Сурхондарё вилояти мусикали драма театрида яккахон хонанда сифатида фаолият юритди.

1979-1987 йилларда М.Қориеқубов номидаги ўзбек давлат филармониясининг яккахон хонандаси сифатида концертларда иштирок этди. 1987-1988 йилларда Маннон Уйгур номидаги Сурхондарё вилоят мусикали драма театри яккахон хонандаси сифатида кўплаб вилоятимиз туманларида бўлиб ўтган концерт дастурларида қатнашди.

1989 йил Сарносиё тумани маданият уйи қошидаги ашула ва рақс дастасига асос солди. 1994 йил 18 августда “Шодиёна” ансамблига ашула ва рақс халқ ансамбли унвони берилди.

Тоштемур Тоировнинг кўшиқлари 1968 йилдан бери Ўзбекистон радио тўлқинларида янграб келмоқда. Унинг 34 та кўшиги М.Тошмухаммедов номидаги граммпластинка заводидан пластинкаларга ёзилиб, 1972-1974-1975 ва 1976 йилда чиқарилган 4 та пластинкаси кўшиқ мухлисларига етиб борган. Т.Тоиров классик кўшиқларни ҳам маромига етказиб куйлар эди. Эфир тўлқинлари, сахналарда хонанданинг кўшиқлари бугун баралла янграмоқда. Унинг “Гўзал Сурхондарём менинг”, “Алладиму”, “Арзу холим бор”, “Айрилиб қолдим”, “Бугун”, “Дилрабо эди”, “Хеч бўлмаса”, “Илк муҳаббат”, “Керак бўлмаса”, “Меҳмон азиз”, “Меҳру вафода”, “Муаллим”, “Нози бўлмаса”, “Сенга деб”, “Табассумингдан”, “Ёлғон деманг”, “Ёрнинг табассуми”, “Зебо бўлибсиз”, “Ўзбекистоним гўзали” каби кўшиқлари тингловчилар қалбидан ўрин олган.

Афсуски, серкирра ижодкор, хушовоз хонанда Тоштемур Тоировни бевақт келган ўлим 2004 йилнинг 24 майида орамиздан олиб кетди.



Илк мухаббат

Судаймон Рустамов шеъри

Тоштемир Тоиров мусикаси

Ўртача $\text{♩} = 90$

The first system of the piano introduction consists of two staves. The right hand features a rhythmic pattern of eighth notes with a grace note, while the left hand plays a steady accompaniment of eighth notes.

The second system continues the piano introduction with similar rhythmic patterns in both hands.

The third system of the piano introduction, showing further development of the melodic and harmonic lines.

The first system of the vocal line and piano accompaniment. The vocal line begins with the lyrics: "Се-виб се-вил - ган-лар кўп ях-ши би - лар, бул-мас-кан". The piano accompaniment provides a harmonic support with chords and moving lines.

The second system of the vocal line and piano accompaniment. The vocal line continues with the lyrics: "ва-фо - си илк му- хаб - бат - ни. Пой-лай-ди о -". The piano accompaniment continues to support the melody.

шик-ни то ка-бр-га-ча ши-рин мо-жа-ро - си

илк му хаб - бат - ни, ши-рин мо-жа-ро - си илк му- хаб - бат -

ни. Пов-дай-ди о - шик-ни то ка-бр-га-ча

ши-рин мо-жа-ро - си илк му- хаб - бат - ни,

ши-рин мо-жа - ро - си илхэу - хэб - бат - ни.

Ме-ли айт-гол - ла-рим

This system contains the first line of the musical score. The vocal line is written in a treble clef with a key signature of two flats and a 3/4 time signature. The lyrics are: "ИИ-Ю - ВТ 3-МАС, И-РАК-ИИ Б-КУБ-ТИ ИИ-ИИ - ВТ 3-МАС." The piano accompaniment consists of a right-hand part with chords and a left-hand part with a simple bass line.

This system contains the second line of the musical score. The vocal line is mostly silent, indicated by a long horizontal line. The piano accompaniment continues with chords in the right hand and a bass line in the left hand.

This system contains the third line of the musical score. The vocal line has lyrics: "Ха-ки-кий о-шиц-ка ки-фо - вт 3-мас, ту-ган-мас." The piano accompaniment continues with chords and a bass line.

This system contains the fourth line of the musical score. The vocal line has lyrics: "жа-фо - си илему- хаб - баг - ни. Ха-ки-кий о-". The piano accompaniment continues with chords and a bass line.

ШПЕК-КА КИ-Ю - РТ Э-МАС ГУ-РАИ-МАС ЖО-Ю - СИ

ИЛК МУ- ХАБ - БАТ - НИ.

Сел-ги - сиз гүл чөчөк бит-мас эй күн-гил.

The first system of the musical score consists of a vocal line and piano accompaniment. The vocal line is written in a treble clef with a key signature of three flats (B-flat, E-flat, A-flat) and a 4/4 time signature. It begins with a whole rest, followed by a series of eighth and quarter notes. The piano accompaniment is written in a grand staff (treble and bass clefs) and features a rhythmic pattern of eighth and quarter notes in the right hand, and a bass line with quarter and eighth notes in the left hand.

The second system of the musical score shows the piano accompaniment for the second system. It continues the rhythmic and harmonic patterns established in the first system, with the right hand playing chords and moving lines, and the left hand providing a steady bass line.

Ин-сон му-ро - диги ет-мас эй күн-гил.

The third system of the musical score features a vocal line and piano accompaniment. The vocal line is in a treble clef with a key signature of three flats and a 4/4 time signature. It starts with a whole rest, followed by eighth and quarter notes. The piano accompaniment is in a grand staff, with the right hand playing chords and the left hand playing a bass line.

The fourth system of the musical score shows the piano accompaniment for the second system of the third system. It continues the rhythmic and harmonic patterns, with the right hand playing chords and the left hand playing a bass line.

He-га-дир бил-май-ман кет-мас эй күн-гил.

не-га дир бил-май-ман кет-мас эй күн-гил бо-шим-дан

сав-до - си илкму- хаб - бат - ни, бо-шим-данг сав-до - си

илк му- хаб - бат - ни.

The first system of music consists of a vocal line on a single staff and a piano accompaniment on two staves. The key signature has three flats (B-flat, E-flat, A-flat), and the time signature is 4/4. The vocal line is mostly rests, while the piano accompaniment features a steady eighth-note pattern in the right hand and a similar pattern in the left hand.

The second system continues the musical notation. The vocal line remains mostly rests. The piano accompaniment continues with the eighth-note patterns, showing some dynamic markings like 'p' (piano) and 'f' (forte).

The third system introduces the vocal line with lyrics. The piano accompaniment continues with the eighth-note patterns. The lyrics are: "Мен у-ни сеп-тин-диз бирлик би-хор - да."

The fourth system continues the musical notation. The vocal line has lyrics: "у ме-ни таш-ла-ди бұ-ран - да кор-да." The piano accompaniment continues with the eighth-note patterns.

Мен у-ни сел - ган-дым

бирлик ба-хор - да, у ме-ни таш-ла-ды бӯ-роғ - да қор - да.

Хир я-ра со - га-йиб у-пу-ти-лар-да, со-гай-мас

я-ра-си илк му- хаб - баг - ти. Хор я-ра со

The first system of the musical score consists of a vocal line on a single staff and a piano accompaniment on two staves. The vocal line begins with a treble clef, a key signature of two flats (B-flat and E-flat), and a 4/4 time signature. The lyrics are written below the notes. The piano accompaniment features a steady eighth-note pattern in the right hand and a simpler bass line in the left hand.

га-ливб у-ну-ти-лар-да со-гил-мас я-ра-си

The second system continues the musical score with the same vocal and piano parts. The lyrics are written below the vocal line. The piano accompaniment maintains its rhythmic pattern.

илк му хаб - баг - ти. Бұл-мас - киң на-фо - си

The third system continues the musical score. The lyrics are written below the vocal line. The piano accompaniment continues with the same rhythmic structure.

илк му хаб - баг - ти.

The fourth system concludes the musical score. The lyrics are written below the vocal line. The piano accompaniment ends with a final chord in the right hand and a sustained note in the left hand.

Севиб севилганлар кўп яхши билар,
Бўлмаскан вафоси илк муҳаббатни.
Пойлайди ошикни то қабргача,
Ширин можароси илк муҳаббатни.

Мени айтганларим шикоят эмас,
Юракни ёқувчи ҳикоят эмас,
Ҳақиқий ошиққа кифоят эмас,
Туганмас жафоси илк муҳаббатни.

Севгисиз гулчечак битмас эй, кўнгил,
Инсон муродига етмас эй, кўнгил.
Негадир билмайман кетмас эй, кўнгил,
Бошимдан савдоси илк муҳаббатни.

Мен уни севгандим илк баҳорда,
У мени ташлади бўронда, қорда.
Ҳар яра соғайиб упутиларда,
Соғаймас яраси илк муҳаббатни.

Орзикул НУРАЛИЕВ

Орзикул Нуралиев 1947 йилнинг 10 октябрида Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, Миршоди кишлоғида таваллуд топган. У 1953 йили М.И.Калинин номидаги 20-сон мактабига ўқишга борди ва 1963 йили мактабни битирди.

1967 йили Тошкент давлат Низомий номидаги педагогика институтининг мусика факультетига ўқишга кириб, 1971 йилда тамомлади.

О.Нуралиев ўқишни тамомлагач Шўрчи тумани (ҳозирги) Ҳамид Рахимов номи 7-сон болалар мусика мактабига директор лавозимида илк иш фаолиятини бошлади.

1976-йилдан бошлаб, болалар санъат мактаблари ўртасидаги байрамларда, туман, вилоят, республикада мактаб ўқувчилари билан қатнашиб, 100 яқин I-II-III-даражали дипломлар билан тақдирланишда ўзининг муносиб ҳиссасини кўшган.

1977 йили “Халқ маорифи ” аълоҳиси унвонига сазовор бўлди. 1991 йил Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 1 йиллиги медали ва 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги кўкрак нишони билан тақдирланган.

“Янги авлод” болалар ижодиёти фестивали, “Болалик баҳори” фестивали, Муҳиддин Қори Ёқубов ва Мухтор Ашрафий номи конкурсларда — мактаб-ўқувчиларининг танловларда фахрли ўринлар ва дипломларни қўлга киритишига фаол раҳбарлик қилган.

2009 йилда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган “Ягонасан мустақил Ватан” республика танловида ўгли Ихтиёр Нуралиев билан бирга иштирок этиб, фахрли I-ўринни қўлга киритди.




Жоним Ўзбекистоним


Ч.Хўжамуродов шери

А.Нуралиев мусиқаси


Moderato



Мад - хинг куй - лай Ва - та - ним,



Сен - сан ме - нинг жон та - ним,



Хам шав - ка - ту хам шо - ним,



Бор бўл гў - зал Ва - та - ним,

Allegro



Жо - ним Ўз - бе - кис - то - ним.



Ой



Бор бўл гў - зал Ва - та - ним, жон



Жо - ним Ўз - бе - кис - то - ним.



Бар - дош - ли халқ сен - да бор,
Са - бр то - кат ун - га ёр.



Мус - та - қил бўл - ди ди - ёр - хор



Бор бўл гў - зал Ва - та - ним, жон



Жо - ним Ўз - бе - киё - то - ним.
Нақораг хор



Ой

О



Бор бўл гў - зал Ва - та - ним, жон



Жо - ним Ўз - бе - киё - то - ним.



Эн - ди тўл - динг кут - луг ёш - га



Мех - ринг ўх - шар қу - ёш - га.



Дўст - лар ке - лар тўй ош - га,



Бор бўл гў - зал ва - та - ним, жон



Жо - ним Ўз - бе - кие - то - ним.

Накорат хор



Ой

О



Бор бўл гу - зал Ва - та - ним, жон



Жо - ним Ўз - бе - кие - то - ним.



Жон



Ва - таш сен - мох ни - мон - дин,




Сен - санг а - гар жон дин - дин.

Хор



Ой

ой



Ҳам шав - ка - ту ҳам тон - дин.



Бор бўл гу - зал Ва - та - ним.



Ва - та - ним деб я - шай - лик,

Эл юр - тым леб я - шай - лик.

Ол - га ка - дам таш - дай - лик.

Бор бұл гү - зал Ва - та - ним, жон

Юрт бо - ши - миз бор бұл - сиз. Хал - ким ма - дад - кор бұл - сиз.

Ол - лох ұ - зи ёр бұл - сиз. Бор бұл гү - зал Ва - ти - ним.

О Бор бұл гү - зал

Ва - та - ним, жон Жо - ним Ұз - бе - ки - с - то -

ним.

Мадҳинг куйлай Ватаним,
Сенсан менинг жон таним,
Ҳам шавкату, ҳам шоним.
Бор бўл гўзал Ватаним,
Жоним Ўзбекистоним.

Бардошли халқ сенда бор,
Сабр токат унга ёр,
Мустақил бўлди диёр.
Бор бўл гўзал Ватаним,
Жоним Ўзбекистоним.

Энди тўлдинг қутлуг ёшга,
Меҳринг ўхшар қуёшга,
Дўстлар келар тўй ошга.
Бор бўл гўзал Ватаним,
Жоним Ўзбекистоним.

Ватанин севмоқ иймондан,
Севсак агар жон дилдан,
Ҳам шавкату, ҳам шондан.
Бор бўл гўзал Ватаним,
Жоним Ўзбекистоним.

Ватаним деб яшайлик,
Эл юртим деб яшайлик,
Олга қадам ташлайлик.
Бор бўл гўзал Ватаним,
Жоним Ўзбекистоним.

Юртбошимиз бор бўлсин,
Халким мададкор бўлсин,
Оллоҳ ўзи ёр бўлсин.
Бор бўл гўзал Ватаним,
Жоним Ўзбекистоним.

Рахматулла МЎМИНОВ

Мўминов Рахматулла Турдиевич 1947 йилда Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида туғилган. У иш фаолиятини 1964 йилда Шўрчи тумани “Алпомиш” жамоа хўжалигида радио монтажликдан бошлаган. Тошкент давлат педагогика олийгоҳининг мусиқа факультетини 1970-1974 йилларда тугатиб, 1974 йил “Болалар санъат мактаби”да кашқар рубоби ўқитувчиси, 1980 йил шу мактабда илмий бўлим мудирини, 1982-1985 йиллар Шўрчи тумани маданият уйи директорини, 1985-1986 йиллар “Билим жамияти” туман кенгаши маъсул котибинини, 1986-1992 йиллар туман кинолаштириш идораси директорини, 1992-2010 Шўрчи туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келган.



Санъат мактаби қошида ташкил этилган “Дуторчи кизлар”, туман маданият уйи қошидаги “Кумуш тола” ансамбли, “Булбулигўё” фольклор этнографик ансамбли, “Ҳилол” халқ миллий дорбозлар гуруҳи ҳамда Олтинсой туманидаги “Лола”, “Оқарбулок”, “Шаршара” ансамбллари, шунингдек “Чанқовуз”, “Субҳидам”, “Чашма”, “Қалдирғоч”, “Фароғат” каби ансамблларнинг дастурларини тайёрлашда хизматлари каттадир.

Республика “Наврўз”, “Мустақиллик” умумхалқ байрамлари, шунингдек, 1996 йил Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиғи, 1997 йил Тошкент халқаро 12-кино фестивалида, 1998 йил Ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиғи, 1999 йил “Алпомиш достони яратилганлигининг 1000 йиллиғи”, “Термиз шаҳрининг 2500 йиллиғи”, Қарши шаҳрининг 2700 йиллиғи, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиғи ҳамда 2009 йил “Асрлар садоси” халқаро фестивал байрами тантаналарида, 1998 йил Туркияда халқаро фольклор кўшиқ фестивали, 2002-2003-2004 йиллар “Бойсун баҳори” халқаро очик фольклор кўшиқ фестивали, 2005 йил Тожикистон Республикасида “Садои дилҳо” халқаро фольклор кўшиқ фестивали, 2007 йил Туркменистон Республикасида “Театр санъати ва фольклор кўшиқ” халқаро фестивалларида бош режиссёр ва сценарий муаллифи сифатида театрлашган катта канцерт дастурларини тайёрлаб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этган. 80 дан ортиқ фольклор куйи ва кўшиқлар муаллифи.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Норали Алланазаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳосила Раҳимова, хонандалар Манзура Қодиркулова, созандалар Фахриддин Алмардонов, Ўктам Ҳакимов, Одилжон Каримовлар ўз санъатлари билан томошабинларга ўзларининг куйи кўшиқларини ҳавола этиб келмоқда.

2002 йил “Булбулигўё” наволари номли китоби нашрдан чиққан.

Тетрок



От чоп - тир - дим о - дир - га _____ Мен бо - ра - йни чо - дир - га.



Чо - дир - и - чи - да киз - лар _____ Ик - ки ю - зи кыр - миз - лар.




Ди - ги - ди - ги дий - дам - дий - да дам. Ди - ги - ди - ги дий - дам дий - да дам.



О - дир - бе - ти - да қў - зи _____ Қў - зи - нинг дў - ланг қў - зи



Йи - ги - лар - ни маст кил - ган _____ Киз - лар - нинг ши - рини сў - зи.



Ди - ги - ди - ги дий - дам - дий - да дам, Ди - ги - ди - ги дий - дам дий - да дам.



Биз - нинг эл - да гўй бу - гуи Пав - рўз - ке - лар _____ дўст - ла - рим.



Қар - дош - эл - лар - дан бу - гуи _____ Меҳ - мон - ке - лар дўст - ла - рим.



Ди - ги - ди - ги дий - дам - дий - да дам, Ди - ги - ди - ги дий - дам дий - да дам.

От чоптирдим одирга,
Мен борайин чодирга.
Чодир ичида кизлар
Икки юзи кизмизлар.

Диги-диги, дийда-дийда дам,
Диги-диги, дийда-дийда дам.

Одир бетида кўзи,
Кўзининг дўланг кўзи.
Йигитларни маст қилган
Қизларнинг ширин сўзи.

Диги-диги, дийда-дийда дам,
Диги-диги, дийда-дийда дам.

Бизнинг элда тўй бугун,
Наврўз келар, дўстларим.
Қардош эллардан бугун,
Меҳмон келар, дўстларим.

Комил ХИДИРОВ

Хидиров Комил Очилович 1957 йил 1 июлда Денов шаҳрида, оддий ишчи оиласида туғилган.

1964 йил ўрта мактабга бориб, 1972 йил тамомлаган. 1970 йил Денов шаҳридаги мусиқа мактабида рубоб мутахассислиги бўйича Қаюм Рашидовдан мусиқа сабоқларини ўрганган.

1972 йил Термиз мусиқа билим юртига гижжак мутахассислиги бўйича ўқишга кирди. У гижжакда куйлар ижро этиш бўйича дастлаб Ҳидоят Азаматовдан, сўнгра Аминжон Каримовдан сабоқ олганлигини мамнуният билан эсга олади. Ўқиш даврида Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри оркестри билан гастрол сафарларида бўлди.

1976 йилда мусиқа билим юртини битириб, театрда созанда сифатида ишлади. 1978-1980 йилларда ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, Денов шаҳридаги маданият уйида мусиқа раҳбари бўлиб ишлади, кейинчалик директор лавозимида фаолият юритди.

1980 йил Денов туман маданият уйи қошида “Навнихол” ансамблини ташкил қилди. Абдухолик Тўраев, Абдукарим Тўраев, Олмахон Мўминова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳосила Раҳимова, Бахтиёр Аҳмедов, Назар Эшонқулов, Абдурашид Жўраев, Ҳабибулло Ғофуров, Толиб Холиқов, Алижон Эшонқулов, Иномжон Собиров, Хайрулло Сафаров, Кибриё Оқиловалар унинг шогирдлари ҳисобланади.

Комил Хидиров 1982-1987 йилларда Тошкент давлат маданият институтининг сиртки бўлимини тугатди. Унинг илк кўшиги 1975 йилда яратилган бўлиб, “Сурхон шаббодаси” деб номланади. Рубоб сирларини Шокир Махмудовдан, мақом сирларини эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Амирулло Нарзуллаевдан ўрганган. 1985 йили яратган “Кутаман” кўшиги деновлик Эгам Султонов томонидан ижро этилган.

У 1985 йилда Денов педагогика билим юртида, 1992 йилда шаҳардаги кашшофлар уйида фаолият кўрсатди. 1992 йилда “Кўгирчоқ” театрини ташкил қилди.

Комил Хидиров 2003 йил Тожикистон Республикаси Душанбе шаҳридаги санъат институтида жўр овоз бўлиб ишлади. У 2004 йилдан Тошкент давлат маданият институтида иш фаолиятини давом эттирди. У ҳофиз Ўлмас Оллоберганов билан 1985 йили “Кутаман” кўшигини яратди. Уни деновлик кўшиқчи Эгам Султонов ижро этган. Шундан сўнг “Азизим”, “Дунё”, “Мохитобон” каби кўшиқлар яратди.

Ҳозирги кунда кўшиқчилардан Ўлмас Оллоберганов, Тожибар Азизова, “Садо” гуруҳи, Кибриё Оқилова, Дилдора Ниёзова, шоирлардан Сироҷиддин Саййид, Ахтамқули, Ўлмас Жамол, Ихтиёр Исмоилов, Бобур Бобомуродлар билан ижод қилиб келяпти.

Ҳозирда Тошкент шаҳар эстрада цирк коллежида ёшларга сабоқ бериб келяпти. Oilали, 3 нафар фарзанднинг отаси.



Кутаман

First system of the piano introduction, featuring chords in the right hand and a simple bass line in the left hand. The tempo is marked Moderato.

Second system of the piano introduction, with more complex chordal textures in both hands.

First system of the vocal line and piano accompaniment. The vocal line begins with the lyrics: "Хар ба-хор ку-линг-да ни-ти-юр,". The piano accompaniment consists of chords in the right hand and a simple bass line in the left hand.

Second system of the vocal line and piano accompaniment. The vocal line continues with the lyrics: "Ку-та-ман ах-ди-ги ва-фо-дор,". The piano accompaniment continues with chords in the right hand and a simple bass line in the left hand.

Third system of the vocal line and piano accompaniment. The vocal line concludes with the lyrics: "Ю-рак-да ас-ра-ган га-лим бор". The piano accompaniment concludes with a final chord in the right hand and a simple bass line in the left hand.

Ку-та-ман кел-ма-санг дуи-б-дан эл-пиз 5-та-ман.

The first system of the musical score consists of a vocal line and piano accompaniment. The vocal line is written in a single treble clef with a key signature of one sharp (F#) and a 2/4 time signature. The lyrics are: "Ку-та-ман кел-ма-санг дуи-б-дан эл-пиз 5-та-ман." The piano accompaniment is written in grand staff notation (treble and bass clefs). The right hand plays chords and moving lines, while the left hand plays a steady bass line with some chordal support.

The second system of the musical score consists of piano accompaniment. The vocal line is a whole rest. The piano accompaniment continues in the same key signature and time signature, with the right hand playing chords and the left hand playing a bass line.

Раfi-хон-ни теб-рат-са ша-нол-лар,

The third system of the musical score consists of a vocal line and piano accompaniment. The vocal line is written in a single treble clef. The lyrics are: "Раfi-хон-ни теб-рат-са ша-нол-лар,". The piano accompaniment continues in the same key signature and time signature.

гул-лар-га бе-ра-ман са-вол-лар,

The fourth system of the musical score consists of a vocal line and piano accompaniment. The vocal line is written in a single treble clef. The lyrics are: "гул-лар-га бе-ра-ман са-вол-лар,". The piano accompaniment continues in the same key signature and time signature.

Ке-чи-рөөг эл со-хуу жа- мол-дэр.

The first system of the musical score consists of a vocal line on a single treble clef staff and a piano accompaniment on a grand staff (treble and bass clefs). The vocal line contains three measures of music with lyrics underneath. The piano accompaniment features a rhythmic pattern of eighth notes in the right hand and chords in the left hand.

Ку-та-ман кел-ма-санг дун-ё-дан ба-по у-та-ман.

The second system continues the musical score with a vocal line and piano accompaniment. The vocal line has four measures of music with lyrics. The piano accompaniment continues with chords and some melodic movement in the right hand.

1

The third system shows the first ending of a musical phrase. The vocal line consists of a single measure with a whole rest. The piano accompaniment has three measures of music. A first ending bracket is placed over the vocal staff.

2

The fourth system shows the second ending of a musical phrase. The vocal line consists of a single measure with a whole rest. The piano accompaniment has three measures of music. A second ending bracket is placed over the vocal staff.

Күр-лар-га күн-ган-да сүб-хи-дам.

The first system of the musical score consists of a vocal line on a treble clef staff and a piano accompaniment on a grand staff (treble and bass clefs). The vocal line contains three measures of music with lyrics: "Күр-лар-га күн-ган-да сүб-хи-дам." The piano accompaniment features a rhythmic pattern of eighth notes in the right hand and block chords in the left hand.

куз-ла-рым юм-ган-да лам-ба-дам.

The second system of the musical score consists of a vocal line on a treble clef staff and a piano accompaniment on a grand staff. The vocal line contains three measures of music with lyrics: "куз-ла-рым юм-ган-да лам-ба-дам." The piano accompaniment continues with a similar rhythmic pattern to the first system.

Еу-да хам, куз-ла-хам, кини-да хам.

The third system of the musical score consists of a vocal line on a treble clef staff and a piano accompaniment on a grand staff. The vocal line contains three measures of music with lyrics: "Еу-да хам, куз-ла-хам, кини-да хам." The piano accompaniment continues with a similar rhythmic pattern.

Ку-та-ман кел-ма-санг дун-б-дан Ел-тез У-та-ман

The fourth system of the musical score consists of a vocal line on a treble clef staff and a piano accompaniment on a grand staff. The vocal line contains four measures of music with lyrics: "Ку-та-ман кел-ма-санг дун-б-дан Ел-тез У-та-ман". The piano accompaniment features a rhythmic pattern of eighth notes in the right hand and block chords in the left hand.

Ку-та - ман кел-масанг дун-ё-дан ёл-гиз ў-та- ман.

Ку-та - ман. Ку-та ман.

pp *mf* *p*

mp *pp*

Ҳар баҳор йўлингда интизор,
 Кутаман аҳдига вафодор.
 Юракда асраган гапим бор,
 Кутаман, келмасанг
 Дунёдан ёлгиз ўтаман.

Райҳонни тебратса шамоллар,
 Гулларга бераман саволлар,
 Кечиринг эй соҳибжамоллар,
 Кутаман, келмасанг
 Дунёдан ёлгиз ўтаман.

Қирларга кўнганда субҳидам,
 Кўзларим юмганда дам-бадам,
 Ёзда ҳам, кузда ҳам, кишда ҳам,
 Кутаман, келмасанг
 Дунёдан ёлгиз ўтаман.

Ҳабибулла ҒОҒУР

Ҳабибулла Ғофуров 1960 йилнинг 1 февralида Денов шаҳрида таваллуд топган. 1967 йил шаҳардаги собиқ Йўлдош Охунбобоев номи 2-сон ўрта мактабига ўқишга бориб, уни 1977 йили аъло баҳоларга тугатди. Ўша даврларда мактабдан ажралмаган ҳолда шаҳардаги собиқ П.И.Чайковский номи болалар мусиқа мактабида ўқиб, устози Турсун Каримовдан мусиқа сирларини ўрганди. Унинг ҳаётида мусиқага бўлган иштиёқи ва қизиқиши ошди. Иш фаолиятини 1977 йили Денов туман маданият уйида бошлади. Ёш санъатсевар, мусиқа шайдоси Ҳабибулла Ғофур ўқувчилик чоғларида мусиқа асбобларида машқ қилишни, санъаткор бўлишни орзу қиларди. Илмга чанқок, изланувчан ижодкор Ҳабибулла Ғофур ўз билимини ошириш мақсадида Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият олийгоҳига ўқишга кириб, муваффақиятли таҳсилни тамомлади.



Ҳабибулла Ғофур анча йиллардан буён кўшиқчилик санъатига ихлосманд ёшлар билан ишлаш қаторида самарали қалам тебратиб келаётган тиниб-тинчимас ижодкор сифатида кенг китобхонларга анча танилиб қолган. Унинг “Аждарнинг ўлими”, “Кўргондаги анжир ёхуд Ҳайитбек қиссаси”, “Шерали ва Ойбарчин” каби бадий китоблари, “Халқ ўйинлари, кўшиқлар ва анъаналарига бир назар”, “Лақаб ва қимоблар”, “Мулла Жўра охун Вахшиморий”, “Аср билан юзлашган бобо”, “Денов футболи”, “Ватан” сингари илмий бадий ва мусиқавий китоблари аллақачон китобхонлар орасида ўз ўрнини топган.

Ҳабибулла Ғофур бадий ижод билан бир қаторда мусиқа санъати билан ҳам жиддий шугулланади. Унинг ўзи ёзган болаларбоп шеърларига ўзи куй басталаган ижод намуналари болажонлар томонидан куйланиб, уларнинг сеvimли кўшиғига айланиб улгурган.

Унинг кўшиқларини куйлаб вояга етган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳосила Раҳимова, шунингдек, Гулимоҳ Мелибоева, Манзура Қодиркулова, Зулфия Ҳайдарова, Хайрулло Сафаров, Абдусалом Мўминов каби санъаткорлар мусиқий сабоқни айнан Ҳабибулла Ғофурдан олишган.

Ёзувчи, шоир, бастакор Ҳабибулла Ғофур кўпгина “Марҳабо талантлар” республика телетанловлар иштирокчиси. 1984 йили Душанбе шаҳрида ўтказилган Бутуниттифок санъат фестивали қатнашчиси. Зулфия Ҳайдарова ижросидаги Зоҳиджон Обидов шеърига Ҳ.Ғофур томонидан басталанган “Она дийр”, Нурулла Остонов шеърига басталанган “Она” кўшиғи, Ҳосила Раҳимова ижросидаги Бобур газалига басталанган “Зебо яна” кўшиғи марказий ва республика телевиденияси орқали намойиш этилган. Унинг “Кураш”, “Чол ва кампир”, “Чўпон”, “Хотинлар машмашаси” каби сахналаштирган кўшиқлари фольклор дасталари орқали бир неча бор байрам тантаналари, фестивалларда ижро этиб келинмоқда.

Муборак бўлсин

Тантанавор

Ҳабибулла Гафур сўзи ва мусиқаси



Баҳор келди, очилди лола,
Сабза бўлди кир, адир, дала.
Кўнгиллар шод, янгради яшша
Баҳорингиз муборак бўлсин,
Айёмингиз муборак бўлсин!



Қорлар эриб, сувлар энди мўл,
Боғларимда сайрайди булбул.
Либос кийди борлиқ ям-яшил,
Баҳорингиз муборак бўлсин,
Айёмингиз муборак бўлсин!

Далаларда иш энди кизгин,
Экар бугдой, кадаб чигитин.
Ҳосил йиғиб ўтказар тўйин,
Тўйларингиз муборак бўлсин,
Айёмингиз муборак бўлсин!

Ватан

Майини

Ҳабибулла Гафур суғи ва мусикаси



Шонимсан, шавкатимсан,
Ифтихоримсан, Ватан!
Аждод улуг, авлод пок,
Синмас бешиксан Ватан!

Тўмарису Широқлар,
Жалолиддин султонлар,
Жой аямай юрт, деган
Ботирларга кон Ватан.

Буюк саркарда Темур
Эл яшасин деб ҳузур,
Адолатни пеш билган,
Фарзандларинг бор Ватан.

Аждодларга муносиб,
Иш кўрсатдилар ҳўб-ҳўб.
Шунданда номинг машхур,
Бўлди жаҳонга Ватан.

Одилжон ШОМУРОДОВ

Шомуродов Одилжон Қобилович 1974 йилнинг 24 декабрида Сурхондарё вилояти, Сарисий тумани, Тоқчийн жамоа хўжалигида, зиёли оиласида туғилган.

У 1981 йил 25- ўрта мактабга ўқишга кириб , 1989 йили битирган.

1989 йили Термиз давлат мусика билим юртида дутор бас мутахассислиги бўйича Абдурашид Ашуров кўлида таҳсил олди.

1993 йилда Термиз давлат мусика билим юртини тугатиб, Шарғун шаҳар мусика мактабида ўқитувчилик фаолиятини бошлади.

1999 йил А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг “Ашула ва рақс халқ мусика ансамбли” бўлимига ўқишга кирди. У олийгоҳда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Оролмирза Сафаровдан таҳсил олди .

2001 йилда Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида бўлиб ўтган “Ўзбекистон Ватаним маним” конкурси голиби бўлган. 2003 йилда институтни битирди. 2005 йил 22 майда “Бойсун баҳори” фестивалида “Жилама” кўшиғи билан катнашиб, махсус диплом билан тақдирланди.

О.Шомуродов 2005 йилнинг 24-25 май кунларида “Истиклол” санъат саройида ўзининг “Сўнги кўнгирак” номли яккаҳол концерт дастурини битирувчиларга тақдим этди.

У ижоди давомида шоирлардан Фаттоҳ Лазиз, Ботир Эргашев, Шарофиддин Болтаев ва бошқа ижодкорлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Бастакорлардан Мусахон Нурматов ва қатор мутахассислар билан ижодий изланишлар олиб бормоқда.

2004 йилларда кураш федерациясида ишлаб, республикамизнинг барча вилоятларида концертлар берди. Буюк Британиянинг, Лондон, Ситтинборн шаҳрида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов турнирида “Ўзбекистон полвонлар юрти” кўшиғи билан иштирок этди.

2010 йил Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида ўтказилган “Халқаро Фонд Форум” фестивали катнашчиси ҳисобланади.

2011 йил Термиз шаҳрида бўлиб ўтган “Баркамол авлод-2011 ” спорт мусобақаларида “Баркамол авлод” (Ботир Эргашев сўзи, М.Нурматов мусикаси) кўшиғи билан иштирок этди.





Ҳиж - рон - лар - дан тўл - ди бу жо - ним,




а - моб - лар - да қол - ди бу жо - ним.



Жа-фо - ли-ринг жа-фо - ли-ринг ол - ди бу жо - ним. эн - ди



Сур - хо - ним - га кет - ма - сам бўл - мас,



со - гин - га - ним айт - ма - сам бўл - мас.



Сур - хо - ним - га кет - ма - сам бўл - мас,




сен - га сен - гини айт - ма - сам бўл - мас.






Йул - ла - ринг - га тер - мул - ган җ - зым,



гоҳ йил - ла - ган, гоҳ кул - ган җ - зым.



Не-лар бўл-са, не-лар бўл-са бўл-ган ҳам җ - зым. эн-ди



Сур - хо - ним - га кет - ма - сам бўл - мас.




се - гини - га - ним айт - ма - сам бўл - мас.



Сур - хо - ним - га кет - ма - сам бўл - мас,



сен - га сен - гим айт - ма - сам бўл - мас.





Се - ни ю - лаб кел - дим шох - ринг - га,



се - ва - мни деб кел - дим қаҳ - ринг - га.



ии - ти-зор-ман ў-зим йў-линг - га эи - ди



Сур - хо - ним - га кет - ма - сам бўл - мас,
 сени - га сев - гим айт - ма - сам бўл - мас.

Ҳижронлардан тўлди бу жоним,
 Азобларда қолди бу жоним,
 Жафоларинг олди бу жоним.
 Энди Сурхонимга кетмасам бўлмас,
 Согинганим айтмасам бўлмас.
 Сурхонимга кетмасам бўлмас,
 Сенга севгим айтмасам бўлмас.

Йўлларингга термулган ўзим,
 Гоҳ йиглаган, гоҳ кулган ўзим,
 Нелар бўлса бўлган ҳам ўзим.
 Энди Сурхонимга кетмасам бўлмас,
 Согинганим айтмасам бўлмас.
 Сурхонимга кетмасам бўлмас,
 Сенга севгим айтмасам бўлмас.

Сени излаб келдим шаҳрингга,
 Севаман деб қолдим қаҳрингга,
 Иштизорман ўзим йўлингга.
 Энди Сурхонимга кетмасам бўлмас,
 Согинганим айтмасам бўлмас.
 Сурхонимга кетмасам бўлмас,
 Сенга севгим айтмасам бўлмас.

Ҳижронлардан тўлди бу жоним,
 Азобларда қолди бу жоним,
 Жафоларинг олди бу жоним.
 Энди Сурхонимга кетмасам бўлмас,
 Согинганим айтмасам бўлмас.
 Сурхонимга кетмасам бўлмас,
 Сенга севгим айтмасам бўлмас.

Ўрол ЭШДАВЛАТОВ

Ўрол Очилдиевич Эшдавлатов 1970 йилнинг 1 январида Шўрчи тумани, Олатемир хўжалигида таваллуд топди. 1977 йил 16-умумий ўрта таълим мактабига ўқишга борган. Ўқиш мобайнида туманда, вилоятда бўлиб ўтган байрамларда, кўрик-танловларда қағнашиб фахрли ўринларни эгаллаган. 1985 йил мактабнинг 8-синфини битириб, Тошкент маданият оқартув техникумининг “Духовой оркестр” бўлимига ўқишга кирди. 1989 йил ўқишни тугатиб,



Шўрчи туман маданият уйи қошида ташкил этилган “Кумуш тола” ашула ва ракс ансамблига ишга кирди. Иш фаолияти давомида республика “Мархабо талантлар”, “Истеъдод”, “Бодом гули”, “Ёш макомчилар”, “Анор” кўрик-танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган.


1993 йил Шўрчи тумани “Дон маҳсулотлари хиссасдорлик жамияти” қошида “Кушон” миллий эстрада ансамбли ташкил этилди, бу ансамблда Ўрол Эшдавлатов яккахон солист бўлиб иш фаолиятини давом эттирди. У миллий кўшиқларни эстрада йўлида сайқаллаштириб, халққа тақдим этди.

1999-2001 йилларда Республикада бўлиб ўтган “Наврўз”, “Мустақиллик” байрамларида Шўрчи тумани маданият уйи қошида ташкил этилган “Булбулигўё” фольклор-этнографик ансамбли билан ҳамкорликда ўз кўшиқлари билан иштирок этди.

Ўрол Эшдавлатов 2001 йилдан бошлаб ижодий фаолиятини Тошкент шаҳрида давом эттирди. Бу ерда у Сурхон фольклор-этнографик санъатини миллий эстрада йўлида сайқаллаштириб, халқимиз севган таникли санъаткорлар билан ҳамкорликда иш фаолиятини бошлади.

Жумладан, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Маҳмуд Намозов, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Мавлуда Асалхўжаева, Ҳосила Раҳимова, Сайёра Қозиева, Илҳом Фармонов, Норали Алланазаров, Лола Аҳмедова, Улугбек Отажонов, Ўлмас Оллаберганов, “Сурхон” гуруҳи, Нилуфар Раҳматова, Гули Асалхўжаева, “Нихол” мукофоти совриндорлари Дилшод Али, Қаҳрамон Мўминов, Сирожиддин Файзиев, Азизбек Эсонов, Парвина, Манзура Қодиркулова, Гулимоҳ Мелибоева, Ситора Орилова, Эшдавлат Эшбеков, Бахтигул Қаҳҳорова, Оловуддин Хўжамбердиевлар билан ҳамкорликда ишлаб келмоқда. Ўрол Эшдавлатов яратаётган кўшиқларида халқ сўзларидан ва Усмон Азим, Икбол Мирзо, Иброҳим Жиянов, Бобур Бобомурод, Дониёр Мирзо, Ҳаёт Шодмон, Шарофиддин Болтаев, Ғайрат Мажид, Насрулло каби шоирларнинг сўзларидан фойдаланиб келмоқда. Унинг келажакдаги режаси фарзандлари Ҳусниддин ва Фахриддин Эшдавлатовларни миллий эстрада соҳасига йўналтириш ва ўзи яратган кўшиқлар тўпламини халқимизга китоб ва диск шаклида тақдим этишидир.

Allegro



Ўз-бе-гим-ни-ё кел-ти-ей. Ой-дан-да ой-дин ю-зи-ей.



Жа-ма-лак-ла-ри я-раш-га-ней, Бар-чин-ой-дек ў-зи-ей.

Нақорат



Ў-тов-дан чи-қиб кел-ма-ди, хол-ах-во-лим-ни бил-ма-ди.



Бу-са-га-си-дан бир ка-ра-бей, а-ка-жо-ни-га кул-ма-ди.



Бог-лар-да ёл-ғиз ке-за-ди-ей, се-ви-шим-ни-ей се-за-ди.



Бир қай-ри-либ-ей ка-ра-ма-ей, ю-рак баг-рим-ни э-за-ди.

Накорат

Ё - тов-дан чн-хиб кел-ма-ди, хол-ах-во-лым-ни бил-ма-ди.

Бў-са-га-си-дан бир ка-ра-бей, а-ка-жо-ни-га кул-ма-ди.

Бил-ча-га бе-зар кн-ро-ги, ё-мон э-кан-ей фи-ро-ги.

Ё-тов ай-ла-ниб чар-ча-дим, ё-чи-рил-ма-ди чи-ро-ги.

Накорат

Ё - тов-дан чн-хиб кел-ма-ди, хол-ах-во-лым-ни бил-ма-ди.

Бў-са-га-си-дан бир ка-ра-бей, а-ка-жо-ни-га кул-ма-ди.

А-ка-жо-ни-га кул-ма-ди, о-га-жо-ни-га кул-ма-ди.

Бў-са-га-си-дан бир ка-ра-бей, а-ка-жо-ни-га кул-ма-ди.

Ўзбегимни қизи,
Ойданда ойдин юзи.
Жамалаклари ярашган,
Барчинойдек ўзи.

Нақорат

Ўтовдан чиқиб келмади,
Ҳол аҳволимни билмади.
Бўсағасидан бир қараб,
Акажонига кулмади.

Богларда ёлғиз кезади,
Севишимни сезади.
Бир қайрилиб қарамай,
Юрак бағримни эзади.

Нақорат

Ўтовдан чиқиб келмади,
Ҳол аҳволимни билмади.
Бўсағасидан бир қараб,
Акажонига кулмади.

Богчага безар кироғи,
Ёмон экан фироғи.
Ўтов айланиб чарчадим,
Ўчирилмади чироғи.

Нақорат

Ўтовдан чиқиб келмади,
Ҳол аҳволимни билмади.
Бўсағасидан бир қараб,
Акажонига кулмади.

МУНДАРИЖА

Махмуд Номозов.....	3
Ҳосила Раҳимова.....	14
Тоштемир Тоиров.....	18
Орзикул Нуралiev.....	30
Раҳмагулла Мўминiov.....	36
Комил Хидиров.....	39
Ҳабибулла Гофур.....	44
Одилжон Шомуродов.....	47
Ўрол Эшдавлатов.....	52

Муҳаррир: И.Шомиров
Техник муҳаррир: А.Бўриев
Мусахҳиҳ: Қ.Абдуллаев

Босишга 14.01.2014 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84^{1/8} "Times New Roman" гарнитурасида офсет усулида чоп этилди. 3,75 босма табок. № 310-сонли буюртма. 100 нусхада.

"Тафаккур" нашриёти, Тошкент шаҳри,
Навоний кўчаси 30-уй.
"Сурхон Нашр" МЧЖ босмахонасида тайёрланди.
Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси 30-уй.



Музаффар Наимов—1962 йилда Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида туғилган. М.Ашрафий номли Тошкент давлат консерваториясини тугатган. 2000 йилда «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган. Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси аъзоси. Унинг «Сурхон кўшиқлари-I, II, III», «Қалб новолари», «Азиз устозлар ҳақидаги кўшиқлар тўплами», «Метар новолари», «Қадим Сурхон новолари», «Сурхондаё ижодкорлари-1» ва ҳаммуаллифликда «Кўнгил бир наво истар», «Фольклор кўшиқлари жўрсиз хор учун» номли китоблари, бир қатор услубий кўлланмалари ва илмий мақолалари чоп этилган. Ҳозирги кунда Термиз давлат университетининг «Муסיқа таълими ва тасвирий санъат кафедраси» мудирини, доцент сифатида фаолият кўрсатиш билан бирга «Ўзбек маросим кўшиқлари» мавзусида илмий иш олиб бормоқда.



ISBN978-9943-24-063-6



9 789943 240636